● Долзарб муаммо

# ҲОЛВА ДЕГАН БИЛАН ОҒИЗ ЧУЧИМАЙДИ...

**Бу қадимий халқ мақолининг нақадар тўғрилиги бугун, айниқса, яққол кўриниб турибди. Давлат магазинларининг пештахталарида турли хил попукли конфет, шоколад, батончалар ва республикамизда ишлаб чиқарилган бошқа қандолат маҳсулотларини топиш тобора қийин бўлиб бормоқда. Ҳолбуки, олдинги йилларда Ўзбекистондаги қандолат фабрикаларининг маҳсулотлари сифати ва хилма-хиллиги жиҳатидан республикадан ташқарида ҳам машҳур эди. Ширинлик саноатига нима бўлди? Бу саволга дастлаб “Ўзбекозиқовқатсаноат“ давлат акционерлик концернининг қандолат, чой ва тамаки саноатини ривожлантириш бошқармасининг бошлиғи Акмал АБРАЛОВ жавоб берди:**

— Асосий сабаб шундаки, қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун кетадиган хомашёнинг кўп қисмини четдан келтиришга тўғри келади. Какао, сут маҳсулотлари ва энг муҳими — қанд-шакар ана шулар жумласидандир. Ҳатто бу маҳсулотларни ўраш учун кетадиган қоғозни ҳам хориждан сотиб оламиз. МДҲ мамлакатларидаги маҳсулот етказиб берувчилар, биринчи навбатда, Россия ва Украинадаги корхоналар билан ўзаро ҳисоб-китоб қилиш тизимининг яхши йўлга қўйилмагани ишга тўсқинлик қилмоқда. Ўзингиз билиб олаверинг: корхоналаримиз ярим йил ичида 35 минг тоннадан кўпроқ қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариши лозим эди, шундан атиги 10 минг тоннаси ишлаб чиқарилди. Ана шу режани бажариш учун 22 минг тонна шакар зарур эди. Биз эса атиги 900 тонна олдик. Шу сабабли, маҳсулот етказиб берувчиларни ўзимиз излаяпмиз. Россия ва Украинадаги қанд-шакар ишлаб чиқарувчилар билан бевосита битим тузиш йўли билан аҳволни бироз ўнглаб олдик. Бундан ташқари, йил бошида Германиянинг “ББЕ импорт-экспорт“ фирмаси билан шакарнинг ўрнини босадиган маҳсулотдан 40 тонна етказиб бериш тўғрисида шартнома туздик. Бу маҳсулот шакардан 150 баравар ширин, бошқа сифатлари билан ҳам шакардан қолишмайди. Печенье, вафли каби пишириқларни тайёрлашда шундан фойдалана бошладик. Ўзбекистонда сабзавот ва мева мўл. Саноатимиз узум, гилос, олма, шафтолининг табиий шарбатидан фойдаланади. Бу шарбатлардан тўлдирувчи маҳсулот сифатида эмас, балки қанд-шакарнинг ўрнини босадиган зарур модда сифатида фойдаланилади. Бироқ қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни таъминлаш муаммосини ҳозирча тўла-тўкис ҳал қила олганимиз йўқ. Шу сабабли, саккизта фабрикамиз қувватининг атиги 15-20 фоизидан фойдаланилмоқда.

Тошкентдаги “Ўртоқ“ акционерлик жамияти республикадаги етакчи қандолат корхоналаридан биридир. Бутун тармоқда бўлгани каби, бу корхонада ҳам қанд-шакар ҳамда ширинликка қўшиладиган бошқа маҳсулотларнинг етишмаслиги муаммоси мавжуд. Шу сабабли, корхона мутахассислари шакар ўрнини босадиган табиий маҳсулотлардан фойдаланиб, ширинлик ишлаб чиқариш технологиясини яратиш устида ишлашмоқда. Бу ерда ўтган йилиёқ спирт олинадиган мевалар кўплаб тайёрлана бошланди. Тошкент вилоятидаги бир неча хўжалик билан бундай меваларни мунтазам етказиб бериш тўғрисида шартнома тузилди. Шу йилнинг бошида шафтоли, олхўри, узум, олча шарбати қўшилган помидкалар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бу меваларда табиий қанд мавжуд бўлиб, тақчил хомашё сарфини икки баравар камайтириш имконини беради. Ҳозир “Ўртоқ“ акционерлик жамияти шоколадга ўралган олча, шоколадли шафтоли, шоколадли баргак, қовунқоқидан шоколадли қовун, майдалаб туйилган кишмиш ва ерёнғоқдан “Майизой“ каби маҳсулотларни ишлаб чиқармоқда. Йил бошидан буён ана шундай конфетлардан 50 минг қути ишлаб чиқарилди. Улар оддий конфетларга нисбатан қиммат, албатта. Чунки уларни ишлаб чиқарадиган участкада кўп ишлар қўлда бажарилади. Шу сабабли, махсус ускуналар, жумладан, мева қуритиш ускунларини ўрнатишга аҳд қилинди. Бундай ускунларни тайёрлаш учун Тошкент заводларидан бирига буюртма бериш режалаштирилмоқда. Шундан кейин хўжағат (малина) ва қулупнайдан ҳам ширинлик ишлаб чиқариш имкони бўлади. “Ўртоқ“ ходимлари арзон конфетлар ишлаб чиқаришдан ҳам манфаатдор. “Мевали“, “Лимон“, “Рачки“, каби конфетлар ажойиб таъми билан ажралиб туради. Республика аҳолиси севиб қолган “Зафар“, “Антракт“, “Қизил шапкача“, “Оқ олтин“ шоколадли конфетлар ҳам ишлаб чиқарилмоқда.

— Биз шакар кам солинадиган маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйяпмиз,— дейди фабрика директори Мухтор Икромов.— Лекин бизнинг ишимизда шакарсиз ҳеч нарса қилиб бўлмайди. Йил бошидан буён давлат идораларидан бу зарур маҳсулотни ваъда қилинганининг атиги уч фоизи миқдорида олдик. Қанд-шакар ишлаб чиқарувчилар ва республикамиздаги истеъмолчилар билан бевосита алоқалар иш беряпти. Қисман қандолат маҳсулотларига алмаштириш тўғрисидаги шартномалар ишлаб чиқаришни тўхтатмай давом эттириш имконини бермоқда. Бироқ ишни мунтазам йўлга қўйиш учун ҳозир бизнинг саъй-ҳаракатларимиз етарли эмас. Шу боисдан қўшма корхона тузиш учун ҳамкорлар излаяпмиз. Хомашё муаммосини ҳал этишни шундай корхона ўз зиммасига олиши мумкин. Маҳсулотимиз сифатининг яхши бўлишини эса таъминлаймиз.Конфет ишлаб чиқарувчилардан истеъмолчиларгача бўлган йўлни босиб ўтиб, “Ўзбексавдо“ давлат акционерлик уюшмасининг бўлинмаси — Республика “Боққоллик“ бирлашмасига мурожаат қилиб, вазиятни тушунтириб беришни сўрадик. Бу ерда айтишларича, Ўзбекистон қандолат фабрикалари республика савдо тармоғига режалаштирилган миқдорнинг атиги 30 фоизига тенг келадиган “Ширин маҳсулот“ жўнатган. Давлат магазинларида қандолат маҳсулотлари, конфетлар камлиги сабабини бу далил маълум даражада изоҳлайди.

Бироқ айни шу конфетларни — республика корхоналари ишлаб чиқарган маҳсулотни кўчаларда давлат нархидан бир неча баравар қимматига пуллаётган “ишбилармон“лардан сотиб олиш мумкинлигини ҳамма билади. Улар қимматига пуллаш учун бу ширинликларни қаердан ва қандай йўл билан олаётгани сирлигича қолмоқда. Аммо бир нарса равшан: қандолат фабрикалари тўла қувват билан ишласа, уларнинг маҳсулотлари магазинлар пештахталарини тўлдиради, “ширинлик муаммоси“ ўз-ўзидан ҳал бўлади.

Бироқ иш яна ўша шакарга бориб тақалади. Ҳозир, бозор иқтисодиёти шароитида хомашёнинг давлат йўли билан етказиб берилишига умид қилиб, қўл қовуштириб ўтириш калтабинликдан бошқа нарса эмас. Бундан фақат истеъмолчилар эмас, ишлаб чиқарувчиларнинг ўзлари ҳам зарар кўради. Яъни, машина-ускуналар бекор туриб, юзлаб малакали мутахассислар ишсиз қолади. Бундай аҳволдан чиқишнинг бирдан-бир йўли — қанд-шакар етказиб берувчилар билан бевосита алоқани йўлга қўйишдир. Шу йўлдан бораётган корхоналар қийинчиликларни бартараф этиш имкониятини топмоқда.

Ҳукумат юз берган аҳволни ҳисобга олиб, қанд-шакар ишлаб чиқариш тармоғини тиклашга қарор қилди. Вазирлар Маҳкамаси бир йил муқаддам қанд-шакар ишлаб чиқариш қувватларини ривожлантириш дастурини маъқуллади. Ўзбекистоннинг турли вилоятларида хорижий фирмалар ёрдамида 10 та катта завод ва кичик истеҳсолот тармоғини барпо этиш кўзда тутилмоқда. Қишлоқ хўжалик вазирлигида қанд лавлаги етиштириш учун ер ажратиш масаласи ўрганилмоқда.

Дастурни амалга ошириш бошланди. Туркиянинг “Тюрк шекер юксель“ фирмаси билан Хоразм вилоятининг Ҳазорасп туманида биргаликда дастлабки заводни қуриш тўғрисида битим тузилди. Ўзбекистон томони бир кеча-кундузда уч минг тоннагача қанд лавлагини қайта ишлайдиган корхонанинг ташқи муҳандислик таъминоти иншоотларини қуришни бошлаб юборди. Яқинда бир неча француз фирмаси билан дастлабки битим тузилди. Бу битим лавлаги етиштиришнинг Ғарбдаги илғор технологиясини ўргатишни, республикада уруғлик етиштирадиган база барпо этишни ва пировард маҳсулот ишлаб чиқарадиган корхона қуришни кўзда тутади. Франция мутахассислари Самарқанд вилоятида ишлаб чиқаришни йўлга қўйишни таклиф этишмоқда. Мисрнинг йирик “Мабиль“ компанияси билан Наманган вилоятида завод қуриш тўғрисида муддаолар протоколи имзоланди.

Қанд заводлари қуриш билан бир вақтда республикада ўзимизнинг технологиямиз асосида кичик истеҳсолот тармоғини барпо этиш назарда тутилган. Бу истеҳсолот айрим туманларнинг ички эҳтиёжларини таъминлайди. Тошкентдаги хўжалик ҳисоби асосида ишлайдиган “Мунис“ маркази, Тошкент давлат техника университети олимлари, бошқа мутахассислар хусусан шу йўналишда ишлашмоқда.

Қанд саноатини ривожлантириш дастури бир неча йилга мўлжалланган. Аммо олимлар ҳозирданоқ озиқ-овқат саноатига ёрдам беришни ўйлашмоқда. “Пишчевик“ илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг озиқ-овқат саноати илмий-текшириш институти лойиҳа-конструкторлик лабораториясида қанд-шакарнинг ўрнини босадиган хомашёни излашга қаратилган тадқиқотлар ўтказилмоқда.

— Хорижда ишлаб чиқариладиган бундай моддаларнинг кўпи синтетик йўл билан тайёрланади,— дейди институт озиқ-овқат ва биотехнология истеҳсолоти бўлимининг мудири, Халқаро муҳандислар академиясининг мухбир аъзоси Нўъмон Эгамбердев. — Биз эса қанд-шакарнинг ўрнини босадиган моддаларни табиий хомашёдан тайёрлашга зўр беряпмиз. 1988 йилда Ўзбекистонга Лотин Америкасидан стевия ўтсимон ўсимлиги келтирилган эди. Шу ўсимликнинг навига қараб, унинг таркибидаги стевиазид деб аталган бир килограмм ширин модда 50 килограммдан 300 килограмгача шакарнинг ўрнини босади. Ҳозир Тошкент, Сирдарё, Наманган, Андижон вилоятларида тажриба тариқасида стевиазид етиштирилмоқда. Мутахассисларимиз стевиазиддан фойдаланиб, бир неча хил алкоголсиз ичимликлар, ундан тайёрланадиган қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни тавсия этишди. Ўзбекистонда таркибида қанд моддаси кўп бўлган бошқа экин — жўхори ҳам ўсади. Халқимиз “Қўқон жўхори“, деб атайдиган жўхори поясининг таркибида 24 фоизгача табиий шакар бўлади. “Пишчевик“ илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасида шу ўсимликдан шакар концентрати тайёрлашнинг чиқитсиз технологияси ишлаб чиқилди. Йилига бир минг тонна ана шундай концентрат ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган заводни қуришга кетган харажатлар 15 ойда қопланишини мутахасислар ҳисоблаб чиқишди. Ширин моддаларнинг яна бир манбаи қизилмия илдизидир. Қизилмия илдизи ширинлигидан ташқари, ажойиб шифобахш хусусиятга ҳам эга. Халқ уни бекорга “ҳаёт илдизи“, деб атамайди. Қорақалпоғистонда қизилмия етиштиришга ихтисослашган иккита хўжалик бор. Биз синов ўтказиб, қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда шакар ўрнига қизилмия илдизи экстрактидан фойдаланишни маъқулладик. Бундан ташқари мутахассисларимиз “Сумалак“ технологияси асосида конфет ичига солиш учун ҳар қандай дондан ширин концентрат олишни таклиф қилмоқдалар.

Кўриниб турибдики, ширинлик муаммосини ҳал этиш йўллари мавжуд. Бироқ республика озиқ-овқат саноати, хусусан, қандолат саноати шакар тақчиллигидан қутулиши учун барча манфаатдор томонлар — маҳсулот ишлаб чиқарувчилар ва олимлар, харид ва савдо ташкилотлари куч-ғайратларини бирлаштиришлари керак. Нима қилсам экан, деб ўйлаб ўтирадиган ва чиройли ваъдалар берадиган вақт ўтди, аниқ ишлар билан шуғулланадиган вақт келди. Ҳозирча эса республика аҳолиси ҳар бир хонадонда, дастурхонда ҳақиқатан ҳам ширин конфетлар, оғизда эрийдиган ширин кулчалар ва бошқа қандолат маҳсулотлари мўл бўлишини орзу қилмоқда.

**А. ИВАНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

# ЙЎЛОВЧИЛАРГА ҚУЛАЙ БЎЛДИ

*Ишнинг тўғри ташкил этилганлиги туфайли Хўжайлидаги хўжалик ҳисобидаги автотранспорт ишлаб чиқариш бирлашмаси ярим йиллик режа ва топшириқларни ортиғи билан адо этди. Автомобиль транспорт паркида 163 та турли автобуслар, 60 дан зиёд таксилар шаҳар ва туманлараро йўналишларда аҳолига хизмат кўрсатаяпти. Яқинда ишга туширилган "Хўжайли" марказий автовокзали кунига 3 мингга яқин йўловчига хизмат кўрсатаяпти. Автовокзал қошида буфет, қаҳвахона, турли маҳсулотлар билан савдо қилувчи бир нечта дўкон, оналар ва болалар хоналари ишлаб турибди. Бундан ташқари узоқ йўналишларда қатновчи ҳайдовчилар учун дам олиш хонаси жиҳозланган.*







*СУРАТЛАРДА: "Хўжайли" марказий автовокзали; йўналишлардаги автобусларнинг ҳаракат тартибини автовокзал бошлиғи муовини Комил Даулетов ва диспетчер Шерназар Хабиповлар назорат қилишади; назоратчи механик — Улпибек Ешбоев, ҳайдовчи — Ўрозбой Жакашов ва Қадамбой Султоновлар бугунги ишдан мамнун.*

**А. МУРОТОВ тасвирлари.**

# "МУСТАҚИЛЛИК, ЭКОЛОГИЯ ВА ХАЛҚ САЛОМАТЛИГИ"

**Республикамизда ўтаётган кўрик-танлов шундай, деб аталади. Уни “Экосан“ халқаро экология ва саломатлик жамғармаси, Давлат телевидение ва радиоэшиттириш компанияси ҳамда “Халқ сўзи“ газетаси ташкил этган. Ўзбекистон мустақиллигининг уч йиллиги арафасида танловнинг иккинчи босқичи якунланди.**

Экологлар, шифокорлар, журналистлардан иборат махсус ишчи гуруҳлари текшириш давомида атроф муҳитнинг ҳолатини, Ўзбекистон туманлари ва шаҳарларида соғлиқни сақлаш ҳамда ободончилик даражасини аниқладилар.

Ана шу кўрсаткичлар бўйича Самарқанд энг яхши шаҳар, деб эътироф этилди. Бу ерда минг гектардан ошиқ дарахтзор ва гулзор бор. Қадимги шаҳарни 44 та боғ, хиёбон, кўм-кўк дам олиш зоналари безаб турибди. Шаҳар ташкилотлари ҳаво ва сувнинг тозалигини қаттиқ назорат қилади. Сўнгги вақтда шаҳарда жойлашган саноат корхоналари ҳавога чиқарадиган зарарли моддалар анча камайди, натижада самарқандликларнинг саломатлиги бир мунча яхшиланди.

Туманлар орасида Тошкент вилоятининг Бекобод, Қашқадарё вилоятининг Китоб туманлари ғолиб чиқди. Айниқса қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш билан шуғулланаётган Бекобод хўжаликларининг тажрибаси диққатга сазовордир. Бу ерда ўтган йилдагига нисбатан турли кимёвий моддалар икки баравар кам ишлатилмоқда, асосий эътибор ўсимликларни биологик усулда ҳимоя қилишга қаратилмоқда. Шу мақсадда туманда барпо этилган биофабрика хўжаликларни қишлоқ хўжалик зараркунандаларининг кушандалари билан таъминламоқда.

Қашқадарё вилоятидаги Китоб тумани маъмурлари ҳам шаҳар ва қишлоқларни обод қилишга катта эътибор беришмоқда. Туман аҳолисининг саксон фоиздан кўпроғи табиий газ ва сифатли ичимлик сув билан таъминланган. “Мингчинор“ мавзесида туман аҳолиси учун соғломлаштириш зонаси, қарағайзор барпо этилган. Туман маркази, хиёбонлар, боғлар ва шохкўчалар қайта қурилди. Тумандаги бўш ётган 20 гектар ерга бир ярим миллион тупга яқин терак экилди. Бу йилги сел ва тошқиндан зарар кўрган 130 оила учун қисқа муддатда “Жавзобод“ уй-жой даҳаси қурилди. Маҳаллий ҳокимият, туман соғлиқни сақлаш, санитария-эпидемиология ташкилотларининг биргаликдаги саъй-ҳаракатлари яхши натижа берди. Масалан, туман аҳолиси орасида юқумли сариқ касаллиги икки баравар камайди.

“Экосан“ халқаро экология ва саломатлик жамғармаси кўрик-танловда ғолиб чиққан шаҳар ва туманлар ҳокимликлари учун рағбатлантирувчи мукофот белгилади. Бу пул атроф муҳитни муҳофаза қилишга, ободончилик ишларига, соғлиқни сақлаш ташкилотларининг эҳтиёжлари учун сарфланади.

**ЎзА мухбири.**

# САХОВАТЛИ "РАВШАНБЕК"

*СЕРҲИММАТ боболаримизнинг ишбилармон авлодларига гал келиб, топган пулларининг бир қисмини савоб ишларга сарфлаша бошлади. “Равшанбек“ фирмаси аъзолари бу соҳада қатор ибратли ишларни амалга оширдилар. Жумладан, Уйчи тумани маданият кошонасида бобокалонимиз, буюк олим ва аллома Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллик тўйини нишонлаш тантаналари ва тайёргарлик ишларига кетадиган маблағни тўлаш ва тадбирни ўтказиш ҳомийлигини Тоҳиржон Алиматов раҳбарлигидаги “Равшанбек“ фирмаси ўз зиммасига олди.*

*Фирма аъзолари ноҳияда аниқ фанлар — физика, математика, астрономияга қизиқувчиларни, амалий санъат ва мусаввирликка кўнгил қўйганларни аниқлаш, иқтидорли ёшларни излаш ва уларни махсус мактаб-лицейларда ўқитишни ташкил этишга ҳам ёрдамлашмоқдалар. Шу ниятда Мирзо Улуғбек сиймосини чизган ўқувчига 25000 сўм, 25-ўрта мактабда турли тадбирларни ўтказиш учун 150000 сўм ёрдам пули берилди.*

**Т. СУЛАЙМОНОВ,**
**“Халқ сўзи“нинг жамоатчи мухбири.**

## САЙЁРАМИЗ САДОСИ

## АНАРХИЯ АДОВАТ ҚЎЗҒАЙДИ

***“Ғарб демократияси Африканинг бошидан кечаётган муаммоларни бартараф этади, деган ақида пуч эканининг гувоҳи бўлиб турибмиз, — деди Кения Президенти Даниэль Арап Мои.***

*Демократия, деб қабул этилаётган бу анархия Африка қитъасининг баъзи давлатларида қон тўкиш, адоват ва бўлиниш каби фожиали натижаларга олиб келди“. У Африканинг ўзига хос давлат бошқариш усули бирлик, хавфсизлик ва барқарорликка асосланганини, бироқ, халққа миллий руҳияти ва маданиятига ёт унсурлар юклаш Руандада бўлганидек, оғир асоратларга олиб келишини таъкидлади.*

## ҲАРБИЙ ҲАВО КУЧЛАРИНИНГ ҲУЖУМИ

***Онадўли ахборот агентлигининг хабар беришича, турк ҳарбий ҳаво кучлари учоқлари 1984 йилдан бери Туркиянинг Жануби-Шарқида Курдистон давлати қуриш учун курашаётган яширин курд ишчилар партиясининг Шимолий Ироқда жойлашган қароргоҳини ўққа тутди.***

*Туркия қуролли кучлари бош штаби расмий вакили Доғу Силоҳчи ўғлининг маълумотларига қараганда, тадбир натижасида қурол-яроғ омбори ва мухолиф кучларнинг 70 дан ошиқ аъзоси йўқ қилинган.*

## ҚОЧОҚЛАР РУАНДАГА ЙЎЛ ОЛИШДИ

***Руанда фожиаси қурбонлари кун сайин ортмоқда.***

*“Африк-1“ радиостанциясининг хабарига кўра, сўнгги кунларда Зоирнинг Гома шаҳридаги руандалик қочқинлар жойлашган қароргоҳларда бошланган вабо, очарчилик ва сув танқислиги оқибатида 14 минг киши ҳалок бўлди. Вабо таҳликасига тушган 30 мингдан зиёд қочқин Руандага йўл олди. Зоир ва Руанда Президентлари ўртасидаги шартномага кўра, қочқинларнинг чегарадан тўсиқсиз ўтиши таъминланмоқда.*

## “БРИЗ-94“ ТУГАДИ

***Онадўли ахборот маҳкамасининг хабар беришича, Туркия Қора денгиз ҳавзасига яқин мамлакатларнинг ҳамкорликда ўтказган “Бриз-94“ ҳарбий-денгиз ўқув машқларида иштирок этди.***

*Унда Болгария, Руминия, Россия, Украина ва Греция каби мамлакатларнинг 10 дан ортиқ ҳарбий кемаси қатнашди.*

## ИСРОИЛ ҲАРБИЙ ҚЎМОНДОНЛИГИНИНГ ХАБАРИ

***Исроил Иордан дарёсининг Ғарбий қисмида жойлашган армияси сонини қисқартиришга қарор қилди.***

*Яқинда ўтказилажак ўзаро музокараларга бу тадбирнинг ҳеч қандай алоқаси йўқ. Исроил давлати Ғазо сектори ва Иерихон туманларида вазият анча юмшагани, осойишталик ҳукм сураётгани учун шундай қарорга келди, деб хабар беради Исроил ҳарбий қўмондонлиги.*

## ИККИ ТОМОНЛАМА БИТИМ ИМЗОЛАНДИ

***Бирлашган Араб Амирлиги Америка Қўшма Штатлари билан ҳарбий соҳага оид икки томонлама битимни имзолади.***

*Амирлик ахборот маҳкамасининг хабар беришича, имзоланган битим ўзаро ҳарбий, иқтисодий ва савдо алоқаларини ривожлантиришга хизмат қилади. Шу каби ҳужжатни Қувайт, Баҳрайн, Уммон ва Қатар давлатлари ҳам 1991 йилдан бошлаб Америка Қўшма Штатлари билан имзолаган эди.*

## АКС ҲОЛДА НЕФТЬ ЭКСПОРТИ ҚИЙИНЛАШАДИ

***Эрон ахборот маҳкамаси мухбирининг саволларига жавоб берган мамлакат металлургия ва табиий бойликлар вазири Ҳусайн Махлужий Эрон савдо ва тариф бўйича бош битимга қўшилиши керак, деди.***

*Унинг фикрича акс ҳолда келажакда нефть маҳсулотларини экспорт қилиш қийинлашиб қолади.*

## ЭЛЧИХОНА ИЛТИМОСИ

***Исроилнинг Швециядаги элчихонаси ҳукуматдан дипломатик ваколатхона биносини янада мустаҳкамроқ қўриқлашни илтимос қилди.***

*Бунга Исроил давлатининг Лондон ва Буэнос Айресдаги турли ташкилотлари жойлашган биноларнинг портлатилгани сабаб қилиб кўрсатилмоқда.*

## СИНОВ МАЙДОНИДАГИ ВАЗИЯТ

***Атом энергетикаси бўйича халқаро агентлик (АЭХА) бош директори Ханс Блик 28 июль куни Семипалатинск ядро синови майдонига келди.***

*У халқаро ташкилот текширувлари бу ерда нурланиш даражаси меъёрдан ортиқ эмаслигини кўрсатганини таъкидлади. Бироқ, Қозоғистон олимлари бу фикрга қўшилмадилар. Улар нурланиш даражаси меъёри ортиқ эканини, шу сабабли минтақада турли касалликлар одатдагидан кўп учраётганини айтишди.*

*АЭХА раҳбари ўтган душанба куни Қозоғистон Бош вазири С. Терешченко билан кафолатлар ҳақида битим имзолади.*

## МАОШ ЎЗ ВАҚТИДА БЕРИЛМАЯПТИ.

***Йиллаб маош олмай яшаш мумкинми? Хабаров ўлкасидаги қишлоқ хўжалиги корхонаси ишчилари бу саволга бир овоздан "ҳа", деб жавоб беришади.***

*Улар ўтган йилнинг август ойидан буён маош ололганлари йўқ. Маълум бўлишича, Россияда бундай корхоналарнинг сони 33 мингдан ошиб кетган. РАТА-ТАСС мухбирининг хабар беришича, мамлакатда ойлик маош сифатида берилмаган пулнинг миқдори 3,4 триллион сўмга етди.*

## ЖЕНЕВАДАГИ МУЗОКАРАЛАР

***28 июль куни Женевада Ямандаги вазиятни тинч йўл билан барқарорлаштириш юзасидан музокаралар бошланди.***

*БМТ раҳбарлигида ўтказилаётган бу музокараларда Шимолий ва Жанубий Яман вакиллари халқаро ташкилотнинг махсус вакили Лахдар Брахимий иштирокида вазиятни муҳокама қилади.*

## ҚУРОЛ ЎҒИРЛАШ КЎПАЙМОҚДА

***Финляндияда қурол ўғирлаш жуда камдан-кам юз берадиган ҳодиса эди.***

*Бироқ, кейинги вақтларда жиноятнинг бу тури билан шуғулланаётганлар сони ортиб боряпти. Айни пайтда полиция қурол ўғриларига қарши жиддий кураш бошлади.*

*Финляндия қуролли кучлари бош штаби маълумотларига қараганда, йил давомида мамлакатда ўрта ҳисобда бештагача ўт очиш қуроли ўғирланар экан.*

